

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Ўз бизнесингизни яратинг

**КХК битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликка жалб этиш**

СЕМИНАР –ТРЕНИНГ ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Маърузачи: и.ф.н., доц. Б.Б.Рахматов

•Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.07.2008 йилдаги
*“Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга
тадбиқ этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари
тўғрисида”* № ПП-916 Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Август 2010 й. *“Таълим
муассаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб
этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”* Фармони

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
17 апрель 2010 йил № 3/2 *“Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш
ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини янада
тақомиллаштириш”* ХАЙЪАТ ҚАРОРИ

**Кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик субъектларини ташкил
этиш йўллари**

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий шакллари



Давлат рўйхатидан ўтказишда тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати

1

- Ариза

2

- Давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг икки асл нусхаси:
- устав
- - таъсис шартномаси ва устав – маъсулияти чекланган жамиятлар учун

3

- Давлат боғининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);

4

- 12 май 2011 йилдан бошлаб фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль (Электрон-Интернет тармоғи орқали амалга оширилади)

5

- Уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари

Якка тартибдаги тадбиркорлар

1. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза
2. 3x4 см ўлчамдаги иккита фотосурат
3. Давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжат
4. Паспорт нусхаси

Юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари

1

- Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза

2

- Туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори

3

- Мухр ва штамп эскизлари (аризачининг хоҳишига кўра)

4

- Паспорт нусхаси

**Давлат рўйхатидан
ўтказиш учун зарур
хужжатларни
тайёрлаш ким
томонидан
тайёрлаш мумкин?**

**Тадбиркорларнинг
ўзлари
томонидан**

**Шартнома асосида —
Савдо-саноат палатаси
ёхуд бошқа консалтинг
фирмалари, бошқа
шахслар томонидан
амалга оширилади**

Давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат божини тўлаш тартиби

1-минимал иш ҳақи миқдорида (62920 сўм)

**бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда
ташқил этиладиган тадбиркорлик
субъектларидан давлат божи белгиланган
миқдорнинг 20 фоизи миқдорида ундирилади
(12600 сўм)**

**деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат
корхоналари негизда ташқил қилинадиган
акциядорлик жамиятларидан давлат божи
олинмайди.**

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ҚАЕРГА
МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?**



Туман (шаҳар) ҳокимлиги
ҳузуридаги тадбиркорлик
субъектини рўйхатга олиш
инспекцияси

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси

Ҳужжатлар тушган кундан бошлаб уч кун давомида давлат рўйхатидан ўтганлиги ёки ўтмаганлиги (сабабларини кўрсатган ҳолда) ҳақида қарор қабул қилади.

Икки иш куни ичида:

- статистик кодлар бириктиради;
 - тадбиркорлик субъектининг жойлашган туман ДСИга хабар қилади;
 - муҳр ва штамп тайёрлаш учун рухсатномани расмийлаштиради; давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва бошқа ҳужжатларни беради;
- Тадбиркор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса 3 иш соат давомида рад жавобини беради.

Тадбиркорлик субъектини рўйхатга олингандан сўнг бир кун давомида жойлашган жойи бўйича давлат реестри тўғрисидаги маълумотни солиқ инспекцияси ва ички ишлар органларига юборадилар.

Тадбиркорлик субъектига инспекция томонидан бериладиган ҳужжатлар

юрidik шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган, «рўйхатдан ўтказилди» деган белги қўйилган таъсис ҳужжатлари



эскиз билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома берилади.


Якка тартибдаги тадбиркорга ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этиладиган деҳқон хўжалигига

рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома



эскиз билан (тадбиркорларнинг хоҳишига кўра) биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома беради

Банк ҳисоб рақамлари очиш ва лицензиялар (рухсатномалар) олиш тартиби



БАНКДА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ОЧИШ УЧУН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ТОМОНИДАН БАНККА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ:




очиладиган ҳисоб рақамлари турлари кўрсатилган ҳолда ариза



давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;



раҳбар ва бош бухгалтер имзоларининг нотариал тасдиқланган намуналари (деҳқон хўжалиги бошлиғи ва якка тартибдаги тадбиркор ўз имзолари намуналарини тақдим этади) ва думалоқ муҳр оттискининг икки нусхаси.



юридик шахс мақоми билан фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг нусхалари (таъсис шартномаси, устав). Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилади.

Аризани кўриб чиқиш ва банк томонидан ҳисоб рақами очиш муддати кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар олинган кундан бошлаб икки банк кунидан ортиқ бўлмаслиги керак (57-банднинг еттинчи хатбоҳиси ЎзР ВМ 294-сонли қарори 2.10. 2011).

Тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:



**тегишли бўлмаган рўйхатга олиш
органига мурожаат қилиш**



**кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ
тақдим этилмаганлиги**



**тақдим этилган ҳужжатларнинг
Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги
талабларига мос келмаслиги**

Тадбиркорлик субъектини тугатиш тартиби

Ихтиёрий тугатиш

Мол-мулк
мулкдорининг
қарорига
мувофик

Корхонани тузишга
ваколатли
органнинг қарорига
мувофик

Мажбурий тугатиш

Суднинг қарорига
биноан

Тадбиркорлик субъекти давлат реестридан чиқарилган пайдан
эътиборан тугатилган деб ҳисобланади.

Кичик бизнес корхоналари (фирмалари) учун бизнес-режани ишлаб чиқиш йўллари

Бизнес-режа нима учун керак?

- **янги бизнесни бошлаш учун**
- **ўзини аввалги бизнесини кенгайтириш, яъни ривожлантириш учун**
- **кредит (ссуда, инвестиция) олиш учун**
- **ўзини бизнесини сотиш ёки бошқа шахсга ижарага бериш учун**

Бизнес - режани стандарт тузилиши

**Бизнес-режа қандай шаклда тузулишидан қатъий назар,
қуйидаги бўлимларни ўзида акс эттириши керак:**

Резюме

Корхонани (фирмани) тавсифномаси

Маркетинг режаси

Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) режаси

Бошқаришни ташкил этиш режаси

Молия режаси

Корхонани (фирмани) яратиш бўйича бизнес-режа қуйидаги қўйилган саволларга жавоб бериш керак

- ☐ нима учун мен шу йўналишдаги корхонани яратмоқчиман?
- ☐ мени товарим ёки хизматим нимаси билан жозибадор?
- ☐ мени mijozларим кимлар ва улар қаерда жойлашган?
- ☐ мени маҳсулотимни (хизматимни) mijozлар қандай сотиб оладилар?
- ☐ менинг рақобатчиларим кимлар?
- ☐ менинг маҳсулотимни (хизматимни) бозор потенциали қандай?
- ☐ маҳсулотимни (хизматимни) бозор ҳиссаси қанчани ташкил этади?
- ☐ менинг корхонам (фирмам) қаерда жойлашади?

☐ **корхонамнинг (фирмамнинг) катталиги қандай бўлиши керак?**

☐ **менинг корхонамга (фирмамга) қандай асбоб-ускуналар керак?**

☐ **мижозларни ўзимга қандай жалб этаман?**

☐ **менинг корхонамга қандай касбдаги персонал (ходимлар) керак бўлади?**

☐ **корхонани (фирмани) бошқариш шакли қанақа бўлади?**

☐ **корхонани (фирмани) ташкил қилиш учун қанча маблағ керак бўлади?**

☐ **корхона (фирмани) йил давомида қанча фойда олишга эришади?**

☐ **корхонани (фирмани) зарасизлик нуқтаси қанчадан иборат?**

Бизнес-режа ишлаб чиқиш жараёнида биз қуйидаги натижаларга эришамиз:

- биринчидан, бизнес-режани тузиш жараёнида, уни хар томонлама тахлил қилиш, ўзимиз бошлаётган ишни пухта билишга олиб келади;

- иккинчидан, бизнес-режа - бу сизнинг ҳаракатларингизни тайёр режаси ва уни усталик билан қўллаш натижасида сиз ўз корхонангизни (фирмангизни) яхши бошқаришга ҳамда ўйлаган ишингизни муваффақиятли тугатишга ёрдамлашадиган ишчи қуроли сифатида хизмат қилади;

- учинчидан, сизнинг бизнес-режангиз, ўзингизни ғоянгизни бошқа кишиларга етказадиган энг яхши усулдир ва шу билан бирга молиявий фаолиятни режалаштириш асосидир.

Резюмеда (хулосада) жуда қисқа тарзда қуйидагилар ёритилади:



Лойиҳанинг мазмуни: унинг мақсади ва потенциал самарадорлиги

Маълум бир аниқ бозор шароитларида лойиҳани амалга ошириш мумкинлиги

Лойиҳани ким ва қандай амалга оширади

Лойиҳани молиялаштириш манбалари

Лойиҳани инвестициялашдан келадиган потенциал фойдалар: сотув ҳажми, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, фойда нормаси, инвестиция маблағларини қайтариш ҳамда харажатларни қоплаш вақти

Бизнес-планни резюме (хулоса) бўлимидан сўнг доимо корхона (фирма) ҳақида маълумотлар келтирилади. Унда қуйидагилар ёритилади, яъни:

• корхонанинг ташкил этилган вақти

• рўйхатдан ўтганлиги

• фирма капиталининг структураси

• фирмага хизмат кўрсатаётган банк

• фирма раҳбарияти ҳақида маълумот

• фирманинг ташкилий-бошқарув тузилиши

• фирманинг имиджи (яъни – харидорлар (мижозлар)нинг фирма ҳақидаги фикри, фирманинг бошқа ҳудди шундай шаклдаги фирмалардан афзаллик томонлари, кимлар унинг товаридан ёки хизматидан фойдаланади, фирманинг савдо белгиси қаерларда маълум ва асосий харидорлар (мижозлар)и кимлардан иборатлиги кўрсатилади)

**Товар
(маҳсулот
ёки
хизмат)
турлари:**

➤ ишлаб чиқаришга таклиф этилаётган маҳсулот ёки хизмат қандай эҳтиёжларни қондиради;

➤ бозордаги ҳозирги кунда мавжуд бўлган худди шу турдаги маҳсулот ёки хизматдан сизнинг маҳсулотингиз ёки хизматингиз қайси афзал томонлари бўйича ажралиб туради;

➤ таклиф этилаётган маҳсулот ёки хизмат қандай муаллифлик ҳуқуқлари билан ҳимоя қилинган;

➤ таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматнинг нархлари қандай бўлиши мумкин ҳамда қанчалик рақобатга бардош беради;

➤ маҳсулот ёки хизматни сотиш натижасида қанчалик фойда нормасига эришиш мумкин.

Сотув бозори

➤ **маҳсулот ёки хизматнинг асосий харидорлар (мижозлар)и кимлар бўлади;**

➤ **ҳозирги вақтда ҳамда келажакда сотув ҳажми қандай бўлиши мумкин;**

➤ **асосий рақобатчилар кимлар, уларнинг сотув ҳажми қанча, маркетинг стратегияси ва даромадлари қандай;**

➤ **рақобатчиларнинг маҳсулоти қандай, асосий тавсифномаси ҳамда сифат даражаси қандай;**

➤ **рақобатчилар маҳсулотлари ёки хизматларини қайси нархларда сотмоқдалар, уларнинг нарх сиёсатлари қандай.**

Маркетинг режаси

Маркетинг стратегияси - бу фирма салоҳиятини ва имкониятларини таҳлил қилиш, мақсадларини аниқлаб олиш, маркетинг режасини ишлаб чиқиш, маркетинг чора-тадбирларини амалга ошириш ва уларни назорат қилиш жараёнидир , яъни:

➤ **бозор сегментацияси;**

➤ **мақсадли бозорларни танлаб олиш;**

➤ **бозорга кириш услубларини танлаш (яъни: фақат ўз салоҳиятини қўллаш, бошқа фирмаларни сотиб олиш ёки улар билан ҳамкорлик қилган ҳолда);**

➤ **маркетинг элементларини танлаш (мижозга товар ёки хизмат, сотиш жойи, товарни ёки хизматни бозорга силжитиш ва нархлари орқали);**

➤ **фирмани бозорга кириш вақтини танлаш (ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш қувватларини ташкил этиш, мамлакат иқтисодиётидаги аҳвол, асосий рақобатчиларни бозордаги ўрни ва ҳ.к.)**

Ишлаб чиқариш дастури

➤ маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқаришни қаерда ташкил этилади;

➤ янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш лозимми ёки ҳаракатдаги корхона қувватларидан (қайта қуроллантириб) фойдаланиш мумкинми;

➤ режалаштирилаётган корхонада ишлаб чиқаришни оптимал ҳажми қандай бўлиши мумкин;

➤ оптимал қувватларга эришиш учун, қандай инвестициялар зарур;

➤ корхона хом-ашё, комплектлаштириш маҳсулотлари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан қандай таъминланади;

➤ қандай технология ва воситалардан фойдаланилади;

➤ корхона бошқа корхона билан кооперация усулида ишлайдими?

**Ишлаб
чиқаришни
ташкил этиш**

➤ **режалаштирилаётган корхонанинг ташкилий чизмаси қандай бўлади;**

➤ **корхона кадрлар билан қанчалик таъминланган – мавжуд мутахассисларнинг рўйхати, уларнинг малакаси ҳамда иш тажрибаси;**

➤ **турли хил категориядаги ишловчиларни, социал имтиёзларни қўшган ҳолда иш ҳақи шакллари ҳамда даражаси қандай бўлади;**

➤ **корхонанинг технологик чизмаси қандай бўлади.**



Корхонанинг ташкилий- режа шакли

➤ **режалаштирилаётган корхонанинг мулк шакли ҳамда ҳуқуқий статуси қандай (хусусий корхона, кичик корхона, микрофирма, ижара корхонаси, қўшма корхона ва ҳоказолар);**

➤ **корхонада потенциал инвестор қандай ҳуқуқларга эга бўлади (бошқаришда қатнашиши, акциялар пакетидаги ҳиссаси ва ҳоказолар);**

➤ **режалаштирилаётган корхонанинг хомийлари (спонсорлари) ёки инвесторлари кимлар (давлат ташкилотлари, банк, хусусий корхона ва бошқалар);**

➤ **мавжуд спонсорлар ёки инвесторлар учун қандай ҳуқуқлар берилган (бошқариш, молиявий назорат);**

➤ **ушбу мулк шаклидаги корхона қандай юридик ҳуқуқларга эгадир, потенциал инвестор, унга бериладиган ҳуқуқларга эга бўлиши учун, қандай юридик ҳолатларни амалга ошириш керак ва бу эса миллий ҳамда жойдаги қонунлар бўйича қандай ҳуқуқий жавобгарликка олиб келади.**

Моливий режа

➤ корхонани (фирмани) ташкил этиш учун қанча миқдордаги умумий инвестиция ҳажми керак;

➤ молиялаштириш манбалари қандай (банк кредитини олиш, корхонани ташкил этаётганларни ўз маблағи);

➤ молиялаштириш манбалари ва валюта турлари бўйича структураси қандай бўлиши керак (агарда хорижий валюталарда инвестиция режалаштирилаётган бўлса, у ҳолда қайси айирбошлаш курсларида уларни жалб этишмоқчи);

➤ узоқ муддатли инвестицияларг ва айланма капиталга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун қандай шартлар асосида молия маблағлари жалб этилади.

Лойиҳанинг рентабеллиги (фойдалилиги)

➤ **корхонани ташкил этиш бўйича инвестиция харажатларининг умумий ҳажми ҳамда маҳсулот бирлигига тўғри келиши қандай;**

➤ **режалаштирилаётган корхонани ишлатиш, маҳсулотини сотишни ёки хизматни ташкил этиш қанчага тушади;**

➤ **маҳсулотни сотишдан ёки хизматдан келадиган умумий даромадлар ҳажми қанча бўлиши мумкин;**

➤ **режалаштирилаётган корхона (фирма) қандай турдаги солиқларни тўлаши керак;**

➤ **қарзга олинган маблағларни қайси муддатларда ва қандай ҳажмларда қайтариш режалаштирилаяпти;**

➤ **режалаштирилаётган корхонанинг (фирманинг) умумий фойда ҳажми ва нормаси қанча бўлиши мумкин.**

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

- ✖ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган “Бизнинг йўлимиз Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш” номли маърузаси. Халқ сўзи 2011 8 декабр.
- ✖ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон 2010
- ✖ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон 2009.
- ✖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 16 июн.
- ✖ Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005, 29 январ, 20-сон.
- ✖ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида.-Т.: Ўзбекистон 1997.
- ✖ Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2000.
- ✖ Обломуродов Н.Н. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари” ўқув қўлланма Т. 2011.
- ✖ Еременко А. Разработка бизнес-приложений в Microsoft Business solutions-Alapta версии. 3.0/Фелексей Еремененко, Руслан Шашков. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.-503 с.
- ✖ Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.
- ✖ Ходиев Б.Ю., ва бошқалар. Кичик тадбиркорлик асослари (ўқув-амалий қўлланма)-Т.:ЕҲ. ТЕМПУС “Консаудит”, 2004.
- ✖ Интернет сайтлари:
- ✖ <http://www.ced.bg/eng/projects/project12/publication/book/pdf>
- ✖ www.gov.uz.
- ✖ [http://nalog.uz/;](http://nalog.uz/)